

Объектни Техник кўриқлаш маркази (ТҚМ) орқали кўриқлаш
хизмати кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА

Самарқанд ш.

ЗР/58-сон

2024 йил "24" январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Самарқанд вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Самарқанд вилояти Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи Р.М.Номозов (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, "Samarqand Veterinariya Meditsinasi Instituti" ректори Х.Б.Юнусов (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, (биргаликда "Томонлар" деб юритилади) мазкур Шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети

1. Ижрочи Самарқанд вилояти Кўриқлаш бошқармаси техник кўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2.1. Буюртмачи Самарқанд шаҳар, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уйда жойлашган "Samarqand Veterinariya Meditsinasi Instituti"га қарашли "Қоровулхонаси"ни "ташвиш тугмаси" орқали 2(икки) дам олиш куни (шанба, якшанба) билан соат 09:00дан соат 17:00гача 8(саккиз) соат, Ижрочига топширади. Ижрочи Самарқанд шаҳар кўриқлаш бўлимининг Техник кўриқлаш маркази орқали кўриқлаш учун қабул қилади ҳамда 1-дона шартли белгига техник хизмат кўрсатади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация (ҚЁОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг кўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида Ижрочи инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси шартномага илова қилинади.

2.4. Кўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, кўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган кўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар Буюртмачи учун мажбурий ҳисобланади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифлар бўйича қўшимча тасдиқланадиган тўлов сметаси асосида белгиланиб, ушбу тўлов сметаси шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мазкур шартнома асосида кўрсатиладиган хизмат нархи бир ойда **858 412 (саккиз юз эллик саккиз минг тўрт юз ўн икки)** сўмни, уч ой (январь, февраль, март) да эса **2 575 236 (икки миллион беш юз етмиш беш минг икки юз ўттиз олти)** сўмни ташкил қилади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилганда, тўлов сметаси Ижрочи ва Буюртмачи томонидан қайта тасдиқланади.


3.2. Буюртмачи кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин ойлик тўловнинг 100% миқдоридаги пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Ижрочи хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда. Буюртмачи белгиланган муддатда юқори орган (ташқилотлар) марказлашган фондидан қўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоплайди.

3.4. Ижрочи томонидан қўшимча хизматлар учун ҳисоб ёки билдириш берилганда Буюртмачи томонидан 10 кун муддатда пул ўтказиш йўли билан тўланади.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:



4.1.1. Объектни ТҚМга кўриқловга олиш учун телефон тармоғи орқали уланадиган якунловчи қурилмаларига ҳудудий ЭАТС томонидан кўриқлашга соз ҳолдаги телефон ҳамда интернет тармоғи билан узлуксиз, барқарор алоқасини таъминлаш чораларини кўради. Ижрочининг тавсияси билан объектга "Ташвиш" тугмасини ўрнатиш жойини белгилайди. Объектни ТҚМга кўриқловга олиш учун Ижрочи балансида бўлган махсус қурилмага GSM мобил сим карта ажратади ва унинг ойлик тўловини ўз зиммасига олади. Сим картада техник носозлиги ёки ойлик абонент тўлов тўланмаганда Буюртмачининг айби билан Ижрочига етиб келмаган "Ташвиш" хабари учун Ижрочи жавобгар эмас.

4.1.2. Кўриқлашга топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, туйнук, эшик, кулф ва бошқаларни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди ва мустаҳкамлайди.

4.1.3. Ижрочи вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чиқишига шароит яратади.

4.1.4. Объектни кўриқлашга топшириш ва қабул қилиш, калитларни сақлаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди.

4.1.5. Объектнинг калити йўқолиши оқибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аниқланганда зудлик билан Ижрочига хабар беради.

4.1.6. Бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тизимини ҳамда карта рақамларини ўзлаштирмаслиги учун уларни ошкор қилмайди.

4.1.7. Кўриқлаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилади. Объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирмайди. Буюртмачи юзага келган камчиликлар юзасидан Ижрочини ўз вақтида хабардор қилади.

4.1.8. Объектни кўриқлаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилади. Уларни доимий равишда соз ҳолда сақланишини таъминлайди.

4.1.9. ҚЁОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун кунига бир маротаба "Ташвиш" хабари бериш йўли билан, Ижрочини телефон орқали хабардор қилган ҳолда текширув ўтказилади.

4.1.10. Тўлов сметаси асосида ўрнатилган тарифда кўриқлаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради.

4.1.11. Кўриқлашнинг тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида куйидаги тўловларни амалга оширади:

- объектда ўрнатилган объект ҳисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиққан техник воситаларни таъмирлаш учун;

- объектга ўрнатилган кўриқлашга тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун;

- сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукамал таъмирлаш учун;

- ТҚМни модернизациялаштирилган кўриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;

- Буюртмачи айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун Ижрочини хабардор этмаган ҳолда кўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.8.-банди талаблари бажарилмаганда, кўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов ҳисобидан 15 % миқдорида жарима белгиланади.

4.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўради.

4.1.13. Объектни мазкур шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.

4.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЁОС воситалари билан жиҳозланишини таъминлайди ва сақлайди.

4.1.15. Кўриқланаётган объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишини таъминлайди.

4.1.16. Кўриқланадиган объектни тоифасига қараб, девори, томи ҳамда деразалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.


4.1.17. Кўриқланадиган объектда ўзининг кучи ҳисобидан ёнгин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

4.1.18. Объект витриналарида қимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан қўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макетларини қўяди. Витриналарга қўйилган қимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жиҳатдан масъул киши томонидан имзоланади ва Буюртмачи муҳри билан тасдиқланади.

Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси Буюртмачининг моддий жиҳатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Ижрочига берилади.

4.1.19. Сақлаш даврида пул маблағлари, қимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилла, платина, кумуш корпусли соатлар полга маҳкамланган сейфларда, сақланган ушбу маҳсулотлар белгиланган сейфларда сақлашга қўйилмаганда Буюртмачи жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашга Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар кўмитасининг Давлат қўмитаси



томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юқори бўлса, сақлашга йўл қўймайди.

4.1.20. Қўриқланадиган объектга ўрнатилган ҚЕОС воситаларига хизмат кўрсатиш учун қўриқлаш ходимларини эркин ҳаракатини таъминлайди.

4.1.21. Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда бир марта объектни техник мустаҳкамлиги, қўриқлаш техник воситалари, шу жумладан ҚЕОС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси қўйилган, Буюртмачи томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, Ижрочига ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

4.1.22. Текширув далолатномаси юзасидан объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чоратадбирларини бажаради, объектни қўриқланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиш тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сақланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Ижрочига ўзининг вазифаларини ижро этиши учун қўмақлашади.

4.1.23. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, қўриқланадиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски қўриқланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур объектни бошқа шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар қўйилиши, ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочига 15 кун аввал ёзма равишда билдиради.

4.1.24. Ижрочи томонидан ваколат берилмаган шахсларга, қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник воситаларини техник қўриқдан ўтказиши ва таъмирлашга руҳсат бермайди.

4.1.25. Объектнинг ТҚМга топширишдан камида 3 (уч) соат олдин ҚЕОС воситаларини созлигини, топширилишини назорат тарикасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чақиради ва бу борада Ижрочига хабар беради.

4.1.26. Объект, ҚЕОС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни қўриқлаш постига, шунингдек ТҚМ қўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг қулфлари, деразаларни, туйнукларни ва люкларни ёпилиши, қўриқлаш сигнализация воситалари ва тунги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, қўриқланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнғинга олиб келувчи мосламаларни ёқилган ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. объектни топширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар тушгандан сўнг, объект қўриқлашга олинганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

4.1.27. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида Ижрочига хабар бериб, Ижрочи вакиллари келгунга қадар воқеа жойини дахлсизлигини таъминлайди.

4.1.28. Ижрочи томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва моддий товар бойликларни ҳисобини олиб бориш учун қўриқлаш ходими иштирокида моддий товар бойликларни қолдиғи ҳисобланади, шунингдек, Ижрочига барча ҳужжат ва маълумотлари тақдим этади.

4.2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.2.1. ТҚМ қўриғига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

4.2.2. Объектда ҚЕОС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

4.2.3. Объектга ҚЕОС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, объектнинг заиф жойларини ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши объект томонидан бажарилмаган тақдирда, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб қўйилади.

4.2.4. Объектнинг техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан объект ҳисобидан ҚЕОС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси ҳамда сим карта орқали ТҚМга уланади, шунингдек, маълумотномаларини тақдим этади.

4.2.5. Объектдаги ҚЕОС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукамал таъмирланишини назоратга олади. Ижрочи томонидан техник мустаҳкамлиги бўйича тузилган далолатномаларда кўрсатилган, алмаштирилиши лозим бўлган ҚЕОС воситалари Буюртмачининг ҳисобидан амалга оширилади.

4.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЕОС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўрнатилган тартибда аввалдан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

4.2.7. Ўрнатилган тартибда объектнинг қўриқлашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТҚМга уланиши ҳамда ўз вақтида қўриқлаш нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

4.2.8. Объект қўриқлашда бўлган вақтда объектга руҳсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини кўради.

4.2.9. Хўжалик идораси ходимларига ҚЕОС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўриқномалар беради.

4.2.10. Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузилиб, объект очилади, қўриқдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Буюртмачига берилади.

4.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукамал таъмирланишини амалга оширади.

4.2.12. Хизмат ҳақи тарифи ўзгарган ҳолда Буюртмачини хабардор қилади.

4.2.13. Мазкур Шартнома Буюртмачи томонидан берилган ёзма огоҳлантириш Ижрочига келиб тушган кундан бошлаб қуйидаги ҳолларда

1 (бир) ой муддатга тўхтатилади:

а) бинонинг таъмирланиши ва далолатнома асосида ҚЎОС воситалари алмаштирилганда;

б) АТС томонидан асослантирувчи ҳужжат асосида телефон ёки интернет кабелларида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганида;

в) электр тармоғида узилишлар бўлганда.

4.2.14. Мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Буюртмачи 3 (уч) ойдан ошиқ кўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) Ижрочи томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон рақами ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚМ тугатилганда);

в) Буюртмачини номи ўзгариб, Ижрочини бундан хабардор қилмаганда;

г) мазкур шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.5., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.16.-бандлари бузилганда.

4.2.14. Объектга ўрнатилган махсус қурилма интернет алоқасидан узилганда, телефон тармоғи, электр манбаи ўчирилганда (қарздорлик учун ўчирилганда, кабел узилганда) ёки техник сабабларга кўра носозликлар юзага келганда, ТҚМ жойи ўзгарганда объект кўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда Буюртмачини ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги

5.1.1. Мазкур Шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.1.2. Объектни кўриқлаш даврида:

мазкур шартноманинг 4.1.2., 4.1.5., 4.1.6., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.12., 4.1.14., 4.1.15., 4.1.16., 4.1.19., 4.1.20., 4.1.23., 4.1.24., 4.1.25., 4.1.26., 4.1.27.-бандларида кўрсатилган талаблар Буюртмачи томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. Ижрочи мазкур шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

5.3. Қуйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-зарарлар учун Ижрочи жавобгар ҳисобланмайди:

Пул маблағлар Буюртмачининг объектда қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ миқдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки полга маҳкамланган металл шкаф (кути)ларда сақланмаган бўлса, ўғирланса ёки талончилик қилинса;

фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирланса;


бино ёпилиши ёки кўриқлаш учун қабул қилинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик ёки талончилик содир этилса;

товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки талончилик қилинишида;

бу бошқа мулкдорники бўлиб, у кўриқланаётган хонани ижарага олиб кўриқлаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

агар Буюртмачи томонидан кўриқлаш сигнализацияси ёқилмагани сабаб бўлса, объектни кўриқлашга топширмаган ёки кўриқлаш воситаларининг носозлиги ҳақида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошқа техник сабабларга кўра кўриқлаш олиб борилмаган бўлса;

шартноманинг 4.1.20.-банди талаблари бузилса, жихозланган витриналардан ўғирланса ёки талончилик қилинса.



Буюртмачи томонидан кўрсатилган муддатларда Объектни техник мустақамлигидаги талабларни ва мазкур шартноманинг 4.1.5., 4.1.6., 4.1.8., 4.1.16., 4.1.24., 4.1.25.- бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

6-боб. Ускуналарни қабул қилиш ва топшириш тартиби

6.1. Ижрочи Буюртмачига ушбу шартномада томонлар томонидан белгиланган шартларда, тартибда ва муддатларда ускуналарга вақтинча эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини беради, Буюртмачи ушбу шартномада кўрсатилган тартиб ва муддатларда Ижрочига ускунани қайтариб беришни ўз зиммасига олади.

6.2. Ускунани Буюртмачига фойдаланиш учун топшириш томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган ўрнатиш далолатномаси бўйича амалга оширилади.

6.3. Ускунани Ижрочига қайтариш томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган ускуналарни қабул қилиш ва топшириш далолатномасига мувофиқ амалга оширилади.

6.4. Буюртмачи ижарага олинган ускуналарни иккиламчи ижарага, беғараз фойдаланишга топширишга, ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга беришга ҳақли эмас.

6.5. Ускуналар Буюртмачи томонидан Ижрочига қайтарилганда ускуналарни кўздан кечириш ва текшириш жараёнлари Буюртмачи ва Ижрочи вакиллари иштирокида амалга оширилади.

6.6. Буюртмачи ускунадан фойдаланишда қўйиладиган техник, санитария, ёнғинга қарши ва бошқа талабларга риоя қилиши шарт; ускунани ўз мақсадига мувофиқ ишлатиши лозим.

6.7. Буюртмачи шартнома бекор қилинганидан кейин 3 (уч) иш куни ичида ускунани Ижрочига қайтариш мажбуриятини олади. Ускуналар меъёрий эскиришни ҳисобга олган ҳолда яхши ҳолатда қайтарилиши лозим.

6.8. Ускунанинг таркибий қисмлари етишмаслиги ёки уларни Буюртмачи томонидан яроқсиз ҳолга олиб келтирилган тақдирда, Ижрочи Буюртмачидан томонлар томонидан имзоланган қабул қилиш ва топшириш далолатномасида кўрсатилган зарар миқдорини ундиришга ҳақли.

6.9. Буюртмачи қуйидаги сабабларга кўра ускуна ишдан чиққан тақдирда жавобгар бўлади:

- а) Ижрочи томонидан рухсат этилмаган ёки келишилмаган шахслар томонидан ускунани та'мирлаш;
- б) ускуна ёки унинг қисмларининг механик шикастланиши;
- в) стандарт электр таъминотига амал қилмаган тақдирда.

7-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

8-боб. Коррупцияга қарши келишув

8.1. Томонлар ходимлари ёки вакилларига ўз хизмат вазифасини бажариш жараёнида бевосита ёки билвосита уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун моддий бойлик, қимматбаҳо совға бериш, бошқа кўринишдаги моддий манфаатдорлик таклиф қилиш каби ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

8.2. Ижрочи ва Буюртмачи ходими ёки вакили томонидан ушбу шартнома бандлари бажарилмаган ёки бажарилмаслик эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолларда иккинчи томонга ёзма равишда огоҳлантириш хати юбориши лозим. Томонлар ходими ёки вакили томонидан қонунбузилиш ҳолатлари содир этилганлиги ёки эҳтимоли тўғрисидаги огоҳлантириш хатига, қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисида аниқ факт ва материаллар илова қилиниши лозим.

8.3. Томонлар ходими ёки вакили ўз хизмат вазифасини бажариш жараёнида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда қонунбузилиш ҳолати сифатида белгиланган пора олиш, бериш ёки унда воситачилик қилиш, тижорий фаолият ва шу каби ишлар билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

8.4. Томонлар ушбу шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, иккинчи томонни ёзма тарзда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин.

9-боб. Форс-мажор

9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Форс-мажор ҳолатига ваколатли орган томонидан берилган сертификат асос бўлади.

9.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

9.3. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

9.4. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

10-боб. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

10.2. Мазкур шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради.

10.3. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

10.4. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

10.5. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб **2024 йилнинг 31 декабрь** куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.








10.6. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

10.7. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

10.8. Томонлар мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

10.9. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

11-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ” Ўз. Рес. Миллий гвардияси ҚББ Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси Юридик манзили: Самарқанд шаҳар, Тоҳир Малик кўчаси, 12-уй Банк реквизитлари: Х/Р: 21596000800470456001 МФО: 00022 ИНН: 201214264 ОКЕД: 84240 ХККМ “Марказий банк” Самарқанд вилоят бўлими	“БҮЮРТМАЧИ” “Samarqand Veterinariya Meditsinasi Instituti” Юридик манзили: Самарқанд шаҳар, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй Банк реквизитлари: Х/Р:  МФО:  ИНН:  Банк: 
 Бошқарма бошлиғи Р.М.Номозов (имзо, мухр)	Раҳбар  Х.Б. Юнусов (имзо, мухр) 

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MG
SAMARQAND VILOYATI QO'RILASH
BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY
EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
2024 й. 12. 01 да
372 RAQAMI BILAN
QAYD ETILDI

Maatja yuzskonsult
N. Ismet A. Eshmatov

2024 йил "24" январь даги
№3P/58-сонли шартномага илова

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

“Samarqand Veterinariya Meditsinasi Instituti”
ректори

Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи



Х.Б.ЮНУСОВ



Подполковник

Р.М.НОМОЗОВ

2024 йил "01"

2024 йил "01" январь

СМЕТА-ҲИСОБИ

"Samarqand Veterinariya Meditsinasi Instituti" объектини

2024 йил "01" январь дан бошлаб ТҚМ (ТҚП) ёрдамида қўриқланишини ташкил этиш

Т.Р.	Объектнинг номланиши	Манзили	Дам олиш кунлари	Объект категорияси	Қўриқлаш тури	Приток-А учун	SIM-карта учун	Техник хизмат кўрсатиш сони ва суммаси			Қўриқланиш соатлари			Қўриқлаш суммалари			
								Шартли бирликлари сони	Битта шартли тех. бирл суммаси	Жами шартли тех. бирл. суммаси	Иш кунлари	Дам олиш олди кунлари	Дам олиш кунлари	Ойлик қўриқлаш соати	бир соат учун	Ойлик тўлови	Жами ойлик тўлови 12 % ҚҚС билан
1	Қоровулхона тр.кн	Мирзо Улугбек 77	шанба, якшанба	тр.кн	3-ТҚМ	43 000	7 000	1	42 332	42 332	8	0	0	168	4 560	766 080	858 412
ЖАМИ:						43 000	7 000	1	42 332							766 080	858 412

ЖАМИ ойлик тўлови:

858 412 (саккиз юз эллик саккиз минг тўрт юз ўн икки) сўм, 12 % ҚҚС билан.

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ойлик маошлар оширилганда смета-ҳисоби қайтатдан тузилади.

ТЕКШИРДИ:

Самарқанд вилояти Қўриқлаш
бошқармаси Мониторинг Маркази бошлиғи

Самарқанд вилояти Қўриқлаш
бошқармаси МИБ бошлиғи

П.АМОНИЛЛОЕВ

С.ҚОБИЛОВ